



QAMASHI TUMANI HOKIMINING QARORI

180500, Qashqadaryo viloyati, Qamashi shahri, Amir Temur ko'chasi, 1-uy. Tel: (375) 53-24-490, t.qamashi@exat.uz

2021 yil "26" fevral № 462/02 sonli

Qamashi shahri

Qamashi tumanida dam olish kunlarida yarmarkalarni tashkil etishni samarali ijlga qyinish chora-tadbirlari tfg'risida

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш Қоидаларига мувофиқ, вилоят ҳудудида дам олиш кунлари ярмаркаларини ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қамаші туманидаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ярмаркалар ўтказиш бўйича берган тақдимномаларини инобатга олиб, "Қамаші Файз деҳқон (озиқ-овқат) бозори" МЧЖ ҳудудида ҳар шанба ва якшанба кунлари соат 07-00 дан 17-00 гача ярмаркалар ташкил этилиши белгилансин.

2. Ярмаркаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилиши;

ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилиши;

ярмаркалар учун ажратилган савдо ўринларининг тоза ва тартибли сақланишига сотувчилар масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ярмаркаларда маҳсулотларни сотиш қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин:

товарга оид ҳужжатлар (тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган

сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжат (маълумотнома);

сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар.

4. “Қамаши Файз деҳқон (озик-овқат) бозори” МЧЖ маъмурияти;

ярмаркалар ташкил этиш учун бозорнинг аҳоли учун қулай бўлган қисмидан, бозорнинг умумий савдо майдонининг 5 фоизидан кам бўлмаган махсус жойлар ажратилишини;

ярмаркалар учун ажратилган ҳудуддан савдо ўринларининг бепул берилишини;

ярмаркалар ўтказилишини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишни таъминласин ва бозорнинг кириш жойларига эълонлар жойлаштиришни ташкил этилишини инобатга олсин.

5. Қамаши туман давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Караманов) ҳар якшанба кунлари ярмаркалар ташкил этиш учун жой ажратилганлигини, ўтказилаётганлигини ҳамда ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини ҳамда ярмаркаларда товарга оид ҳужжатлар мавжудлигини доимий назорат қилсин.

6. Қамаши туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими (А.Муқимов) ярмаркаларда сотилаётган маҳсулотларнинг турларига қараб жойлаштириш ва улар сифатининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига тўғри келишини доимий назоратга олсин.

7. Қамаши туман Ички ишлар бўлими (Н.Мейлиев) бозор ҳудудида ярмаркалар ўтказиладиган кунда жамоат тартибини сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор “Қамаши” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг qamashituman.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор қабул қилиниши билан Қамаши туман ҳокимининг 2020 йил 27 мартдаги НҚ-299/03-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қамаши туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Р.Ғафуров) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Б.Тоғаев